

КОМПЬЮТЕРЛИ ЎҚИТИШ ВА УНИНГ КАСБ-ХУНАР МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ - ТАРБИЯВИЙ АХАМИЯТИ.

Amirova Zubayda Shodmonovna

Termiz shahar kashb hunar maktabi informatika va axborot texnologiyalari

Компьютерли ўқитиши воситалари ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаол ҳамкорлигни таъминлайди. Компьютер компьютерли ўқитиши технологиясида ўқитувчи вазифасини бажаради. Компьютер ўкув ахборатини узатиш манбаи бўли, мултимедиали ва анимацияли кўргазмалиликни таъминлайди, тренажер, таҳлил ва назарот қилиш моделлаштириши воситси, ҳисоблаш машинаси вазифасини бажаради.

Ўқитиши обьекти функцияси компьютер дастурлаштириши, дастурий маҳсулотларни яратиш, турли информацион муҳитни кўллаш сифатид бажаради. Компьютер ўқитиши технологиясида ўқитувчи қўйидаги вазифаларни бажаради:

Электрон дарслик воситасида ўқитиши жараёнини ташкил этиш;

Компьютер синифдаги тармоқли бошқариш, инструктал ўтказиш, ўқитувчиларни фаолаштириш

- ўқувчиларни индивидуал кузатиш, уларга ёрдам кўрсатиш, яъни электрон дарслик билан мустақил ишлашга йўналтириш ўқувчиларнинг ўкув материаллари билан ишлашда маслаҳатлар бериш;

- ўқувчиларнинг топшириқларни бажариш бўйича қўшимча кўрсатмалар бериш;

- ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш натижарани таҳлил этиш.

- Электрон дарсликлар воситасида ўқитиши ўқитувчи ва уқувчининг компьютер билан ишлаш малакасига эга бўлишини талаб қиласди, яъни информатика ва ҳисоблаш техникаси асосий тушинчаларни компьютер техникасинг функционал имкониятларни ва принципиал қурилмаларни билиш, асосий комондалар ва дастурлар билан ишлаш, дастурлаштиришнинг тили ва алгоритмлари тўғрисида дастлабки тушунчаларга эга бўлиш, матинли дидактор билан ишлаш.

Хозирга қадар компьютерли ўқитишининг психологик - педагогик назарияси ишлаб чиқилмаган бўлсада, ўргатувчи компьютер дастурларида яратилмоқда ва таълим тамойиллари инобатга олмаган холда кўллилмоқда. Электрон дарсликлар дарсликлар ўқитиши сифатини ошириш мўлжалланган бўлиб, дарсни тақдимотлари ва назарот ишлари ўтказишни енгиллаштиради.

Информацион технологияларини кўлаш шароитда ўқитувчи фаолияти ўзгаради. Бу эса ўқитувчининг янги педагогик муҳитда янги ўқитиши воситаларини кўлаб, ўқувчиларига таёр билимларни бериш эмас, балки уларга

янги билимларни мустақил излаш ва топиш қўникмаларини шакллантиришда иборатдир.

Демак анъанавий ўқитишида интрафол ўқитишининг фарқи шундаки, ўқитувчи ва ўкувчи орасидаги муносабат узгаради яъни ўқитувчи фаоллиги ўкувчи фаоллигига ўтади, ўқитувчининг фаолияти эса факат таълим жараёнини самарали ташкил этишда ваа унда маслаҳатчи сифатида қатнашишдан иборат бўлади.

Компьютерли ўқитишида жараёнида иштирокчилар фаолияти куйдагилардан иборат бўлади: ўкувчи - электрон дарслик - ўқитувчи ; ўкувчиларнинг электрон дарслик билан интерфаол алоқаси ва мустақил фаолияти; уз-узини назорат қилиш ва бошқариш.

Электрон ўкув воситаларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш дастлаб. Иккита асосий йўналиш бўйича ривожланган. Биринчи йўналиш доирасида турли ўкув фанлари бўйича автоматлаштирилган таълим бериш тизимлари ишлаб чикилиб ўкув жараёнига тадбик этилган. Педагогларга ўз ўкув-услубий материалини ўрганишни маҳсуслаштирилган тиллар ёки бршқа асбобли воситалар ёрдамида дастурлаштириш имконини берувчи муаллифлик тизимлари бундай автоматлаштирилган таълим бериш тизимининг ядроси яъни ўзаги хисобланади. Компьютер технологиясини таълим беришга жорий қилишнинг иккинчи йўналиши турли соҳаларни ахборотлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Ушбу йўналиш доирасига алоҳида компьютерли ўкув дастурлари, автоматлаштирилган тизимлар элементлари, обьектлар ва жараёнлар таркибини математик моделлаштириш киради.

XXI асрнинг компьютерларнинг кенг тарқалиши таълим соҳасида нафақат янги техникавий, балки дидактик имкониятлари ҳам яратади. Компьютерларнинг асосий афзалликлари уларнинг якинлашувчанлиги, мулоқотининг оддийлиги ва албатта, графикавий имкониятларидир. Ўқув - компьютер тизимларида графикавий иллюстрацияларни қўлаш фактат таълим оловчиларга ахборатни узатиш тезлигини ва уни тушуниш интенсивлигини ошириш имкониятини бериб колмасдан, балки уларда интуация, сезгирилик, образли фикирлаш каби кобилиятларини ривожлантиради. Хотира ҳажми катта бўлган электрон воситалар ва глобал телекоммуникацион муҳитларнинг пайдо бўлиши ўз ичидаги гиперматнли, мульти ва гипермедиа технологияларни, виртуал тизимларни қўллайдиган ўқув дастурли воситаларни яратишга олиб келди. Бундай тизимлардан фойдаланиш лазерли компакт дискларда электрон дастурлар, маълумотномалар, китоблар ва бошқа мақбаларни қўплаб жадаллаштириш имкониятини яратди. Шу билан бирга ҳозирги вақтда электрон ўқув воситалари соҳасида ўкув-услубий ишланмалар технологик ишланмалардан кейинда қолмоқда. Бундай ортда қолиш табиийдир. Чунки таълим жараёнини электрон воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш фанлараро интегратсиялашувни таъминлашни талаб этади.

Айнан услугий муаммоларни ечишдаги ортда қолиш таълимда янги ахборот ва коммуникацион технологияларни қўллашнинг потенциал ва реал имкониятлари орасидаги узилишнинг асосий сабабларидан биридир. Электрон маълумотларни, энциклопедиялар, таълим берувчи дастурлар, таълим оловчилар билимини автоматик назорат қилиш воситалари, электрон ўқув нашри сифатида кўриб чиқиладиган ягона дастурли услугий мажмуалардаги электрон дарсликлар, тренажерлар ва виртуал стенdlар каби электрон воситаларни яратишга интилиш таълимни ахборотлаштириш замонавий босқичининг тенденциялари сирасига киради.

Термиз шахар касб -хунар мактаби информатика фани укутвчиси Амирова Зубайдад Шодмоновна